

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
«ҚОВУНЧИЛИК» БЎЛИМИ



Хоразм воҳасида қовун ва тарвуз етиштириши

Урганч 2020

УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84(5Ў36)7

М-1, С-1, С-2, Х-1, М-2, С-3

Ушбу услубий қўлланмадан полиз экинлари етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари, аҳоли шахсий томорқасида полиз маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи, қизиқувчи мутахассислар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги қишлоқ хўжалигига йўналтирилган бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда қишлоқ хўжалигига қизиқувчи кенг оммага мўлжалланган.

Унда маҳаллий қовун ва тарвуз навлари, уларни етиштириш технологияси, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чора тадбирлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Услубий қўлланма Урганч давлат университетининг 2020 йил мартдаги Илмий кенгашида тасдиқланган ва чоп этиш учун рухсат берилган.

Тақризчи:

Ж.Ш.Рузимов – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Муаллифлар – Урганч давлат университети “Қовунчилик” бўлими илмий ходимлари:

Т.Матқурбонов

С.Садуллаев

З.Сапорбоев

Н.Хўжаев

М.Рўзметова.

Қишлоқ хўжалик озиқ-овқат таъминоти Илмий ишлаб чиқариш Маркази Хоразм вилояти бўлими мутахассислари:

И.Машарипов

Э.И.Самандаров УрДУ Табиий фанлар факультети, Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси доценти, КХООИИЧМ Хоразм вилояти бўлими мутахассиси

ISBN: 978-9943-6723-0-7

© "Усмон Носир медиа" нашриёти. 2020 56 б.

Мундарижа

Кириш	4
Полиз экинларининг биологик хусусиятлари	6
Қовун етиштириш	9
Тарвуз етиштириш	37
Қовун навларининг белгилари	49
Фойдаланилган адабиётлар	56





Кириш

Ер юзида аҳоли сонининг кўпайиши билан биргаликда унинг озиқ – овқатга бўлган талаби ҳам кундан – кунга ортмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада кўпроқ ишлаб чиқариш кераклигини тақозо қилади. Бу борада халқимизнинг катта тажрибага эга эканлигини тарихий манбалар ва археологик қазилмалар натижалари тасдиқлайди. Профессор С.Толстов бошчилигидаги археологлар 1951 йилда ҳозирги Беруний шаҳридан 81 чақирим шимолдаги Султон Увайс тоғларининг ёнбағрида жойлашган қадимий Тупроқ қалъада милоднинг III асрига мансуб бўлган маданий қовун уруғини топгани бунга яққол далил. Хоразм заминида етиштирилган ширин-шакар қовунлар қадимда кўрғошин қолипларда қарвонлар орқали дунёнинг кўплаб мамлакатларига етказиб берилган. Араб олими Абу-Мансур Абдумалик ибн-Муҳаммад Исмоил ас Солибий (961-1038) ўз асарларида халифа Маъмун ибн Восиқ саройига усти муз билан қопланган махсус кўрғошин идишларда келтирилган Хоразм қовунлари ҳақида кўплаб маълумотларни қайд этган. “Китоб латоиф ал Маориф” (“Ғаройиб маълумотлар китоби”) асарида “Хоразмга хос нарсалардан бу ерда “Баранж” номи билан юритилган қовундир. У қовуннинг энг ширини ва яхшисидир. Агар яхши сақланиб келса, бир донаси етти юз дирҳам турар экан” деб ёзади. 1333 йили Хоразмга саёҳат қилган Ибн Батутта “Саёҳатнома”

асарида Хоразм қовунлари тўғрисида шундай деб ёзади: Хоразм қовунларига тенг келадиган қовун на Машрикда ва на Мағрибда топилади. Хоразм қовунининг мағзи қаттиқ, ранги қизғиш бўлиб “тўни” кўк – яшил товланади. Ўзи жуда ҳам ширин, мамлакат ташқарисида ҳам машҳур ва суюмли ҳисобланади. Қовун қоқиларини ҳатто Ҳиндистон ва Хитой юртларига ҳам савдогарлар Хоразмдан олиб боришган. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Республикамизда нафақат қовун маҳсулотлари, шу билан биргаликда сабзавот, полиз, картошка экинларининг ҳар гектар суғориладиган ердан олинадиган маҳсулотлари миқдорини юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига кескин оширишдан иборат. Бу борада сабзавот, полиз, картошка экинларини етиштириш билан шуғулланувчи мутахассислардан юқори сифатли ҳосил олиш учун аввало ҳар бир экиннинг биологияси, унинг ўсув даврида озукка бўлган талаби, экиш муддатларини аниқ билиш ва етиштириш жараёнидаги ҳар бир тадбирни ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъминлаш зарурлигини талаб этади.



Полиз экинларининг биологик хусусиятлари.

Қовун – қовокдошлар оиласи бодринг туркумига мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар тури полиз экини. Ёввойи ҳолда Жанубий-Ғарбий Осиё ва Африкада учрайди. Маданий навларининг ватани Кичик ва Ўрта Осиё (2 минг й. дан бери экилади). Марказий Осиёда қовун экиладиган майдони жихатидан полиз экинлари орасида биринчи ўринда туради. Илдизи-ўқ илдиз, узунлиги 1 м гача боради. Палаги-ингичка, ётиб ўсади. Жуда кўплаб ён шохлар чиқаради. Барглари - узун бандли, палакда кетма-кет жойлашган. Гултожи – сарик, одатда, беш тожбаргли, оталиқлари бешта, чангдонлари икки уяли, бир уйли, айрим жинсли. Қовун мевасининг шакли турлича (юмалоқ, овалсимон, чўзинчоқ ва б.). Пўсти қалин (1,5-2 см), ўртача (1-1,5 см), юпқа (0,5-1,4 см), қаттиқ; эти жуда юмшоқ, юмшоқ, серсув, сершира, кумоқ, баъзилариники толали, ранги оқ, қизил, сарғиш, яшилроқ. Уруғи оқ, оч сарик ва сарик. 1000 дона уруғи вазни 30-45 г. Навига қараб қовун вазнида эти 63-84, пўсти 10-30, уруғи ва уруғтутарлари 3,1-7,7% ни ташкил этади.

Мева таркиби - 8-20% қуруқ модда, 18% қанд (сахароза), 0,1-0,7% клетчатка, 0,2-35,2 % С, РР витаминлари, фолат кислота, калий, натрий, калций, магний, темир, фосфор, олтингугурт ва бошқа микроэлементлар бор.

Тарвуз (Ситруллус) – ковокдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми, полиз экини. Ватани-Африка (Миср). Марказий Осиёда тарвуз экиладиган майдони жиҳатидан полиз экинлари орасида қовундан кейин иккинчи ўринда туради. Маданий тарвузнинг хўраки (С. аедулис Панд.), хашаки (С. колокйнтҳоидес Панд.) турлари, ёввойи тарвузнинг меваси аччиқ-4 тури маълум. Хўраки тарвузнинг дунё бўйича маълум бўлган барча навлари 10 та экологик географик гуруҳга бўлинади. Ўрта Осиё тарвузи алоҳида экологик географик гуруҳни ташкил этади. Палаги 4-5 м гача боради. Илдизи чуқур жойлашган ўқ илдиз, барг кўлтиқларидан ўсиб чиққан жингалаклари ёрдамида илашиб, чирмашиб ўсади. Барг банди узун, барглари бир неча бўлакчалардан иборат, ранги оч яшил, оқ ва узун туклар билан қопланган. Оталик ва оналик гуллари алоҳида-алоҳида жойлашган. Асосан четдан чангланади. Тарвуз мевасининг шакли юмалоқ, овалсимон, цилиндрсимон. Пўсти қалин (1,5 см), ўртача (1-1,5 см), юпқа (1 см дан кам), қаттиқ, эти юмшоқ, серсув, сершира, қумоқ, баъзан толали. Этининг ранги қизил, айрим навлари малинасимон. Уруғи, оқ сариқ, қора, қизил, кулранг. 1000 дона уруғи вазни 40-120 г.

Мева таркиби - 8,0-13,5% қуруқ модда, 5,8-11 % қанд (фруктоза; хашаки тарвузда 3,2-5% қуруқ модда, 1,2-3% қанд, 1 кг ида 0,09 озуқа бирлиги), 90% дан кўпроқ сув, турли витаминлар (В1, В2, РР) ва минерал тузлар, уруғида 25-30% мой, фитин кислотаси бор.

Тарвуз иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик, қурғоқчиликка чидамли, уруғи тупроқ ҳарорати 14-16 °С да уна бошлайди (қулай шароит 20 °С). Экилгандан кейин 5-6 кунда униб чиқади. Тарвузнинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари бор. Эртапишар навлари 80-90, ўртапишарлари 90-100 ва кечпишарлари 110-120 кунда пишади. Тарвуз янгилигида истеъмол қилинади, саноатда қайта ишлаш учун

хом ашё, хашаки тарвуз чорвачиликда ширали озуқа сифатида фойдаланилади. Табобатда камқонлик, жигар, буйрак, юрак-томир касалликларини даволашда қўлланилади. Тарвуз пушта кенглиги 280-360 см қилиб олинган жўякнинг икки томонига туп ораси 70 см қилиб 4-6 см чуқурликда экилади. Уяларга 2-3 кун ивитилган уруғлар 3-4 тадан ташланади, чопиқ пайтида ягана қилиб биттадан ўсимлик қолдирилади. Ўсув даврида катор оралари 2-4 марта юмшатилади (чопиқ қилинади). Тупроқ шароитига қараб 6-8 марта сув берилади.

Тарвуз лалмикор ерларда ҳам яхши ўсади. Ҳосилдорлиги 200-600 ц/га. Ўзбекистонда тарвузнинг 15 дан ортиқ навлари мослаштирилиб, давлат реестрига киритилган. Булардан энг кўп экиладиган навлари: Гулистон, Дилноз, Корол, Куба 92, Қўзибой, Мармар тарвуз, Манзур, Олмос, Сурхон тонги, Ўзбекистон, Ўринбой, Хайит қора ва б. 2000-йиллардан бошлаб Голландия селекциясида чиқарилган эртапишар Крисби, Трофи, Гранит-1 авлоди дурагайлари экилмоқда. Эрта ҳосил олиш учун иссиқхоналарда ёки очик далада плёнка остида кўчатидан экиб етиштириш мумкин. Кейинг пайтларда ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида иссиқхона (парник) ларда ҳам етиштириш ривожланиб бормоқда.



ҚОВУН ЕТИШТИРИШ

Қовун навлари палагининг узунлиги, барг япроғининг катта-кичиклиги, шакли, юзасининг табиати, тўрининг хили ва тўлалиги, ранги ҳамда нақшининг туси, пўстининг қаттиқ ва юмшоқлиги, этининг ранги ва юмшоқ-қаттиқлиги, ширинлиги ва хушбўйлиги, қай тарика жойлашгани, уруғларининг ранги ва шакли ўлчами жиҳатидан бир биридан фарқ қилади.

Қовун навларини хўжалик учун муҳим белгилари: пишиб етилиши, гуллаш ва мевалаш фазаларининг муддатларининг тез ёки нечоғлик узоқлиги, ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги, меваларининг қандай муддатда истеъмол қилинишига, транспортда ташишга ва сақлашга чидамлилиги жиҳатидан ҳам бир қадар фарқ қилади.

Вегетация даврининг давомийлиги, мевасининг пишиш муддатларига қараб қовун навлари тезпишар, ўртапишар ва кечпишар навларга бўлинади. Полиз экинларининг барча турлари ва навларида органогенез ривожланиш даврлари кузатилади.

Органогенез ривожланишнинг I-босқич даври полиз экинларини



жумладан, қовун уруғларини ерга кадаш ва уруғнинг ер юзасига униб чиқишидан бошланади. Бу жараён ўсиш конусининг 2 та чинбарг ҳосил бўлиши билан давом этади.

Ривожланишнинг II-босқичи уруғкуртак барг ўсиш конусининг дифференциялашиши кузатилади ҳамда учинчи ва тўртинчи барг ёзиш ҳолати билиниб туради. Қовун уруғлари униб чиққандан 12 кун ўтиб уруғкуртакларнинг униши ва барг ҳосил бўлиши бошланади. Бу органогенезнинг III даврига тўғри келади. Органогенез ривожланишнинг IV босқичи биринчи чинбарг ҳосил бўлиш билан якунланади ва бунда уруғ униб чиққандан 15-18 кун ўтади. Бу давр ўта масъулиятли давр бўлиб генератив орган гул шакллана бошлайди. Қовун онтогенез ривожланишининг V даври уруғ униб чиққандан 25-30 кун ўтиб 2-3 чинбарг ҳосил бўлиш билан бошланади. Бу даврда асосий поянинг эркак гулларида чангчилар ҳосил бўлади. Шу билан бир вақтда биринчи тартиб ён шоҳлар ҳам ривожлана бошлайди ва уларда 3-5 та эркак гуллар уруғланишга тайёр бўлган ҳолда бўлади. Онтогенез ривожланишнинг VI-даврида эркак гулларнинг шаклланиши давом этади. Чангчилар эгилган формага киради ҳамда тичинка ипчалари сариқ рангга бўялади ҳамда чангдон ҳосил бўлади.

Органогенез ривожланишнинг VII – даврида 5-7 та ёйилган барглар ҳосил бўлади, эркак гуллардаги чангчилар тўлиқ сариқ тусга киради ҳамда шона ҳосил бўлишга ўтади. Қовун ўсимлиги ён шоҳларида оналик гуллари ҳосил бўла бошлайди.



Полиз экинлари агротехнологияси. Ерни экишга тайёрлаш

Полиз экинлари экиладиган ерни ишлаш ҳудудга, тупроқ хилларига ва экиш муддатларига қараб ҳар хил бўлади. Полиз экинлари экиладиган майдон, асосан, чуқур, 28-30 см. дан кам бўлмаган чуқурликда шудгорланади. Шўр бўлмаган ва яхоб сув беришни талаб қилмайдиган, эскидан экин экиб келинадиган ерлар ўғитлар ва суперфосфат солиш билан бир вақтда шудгор қилинади.



Полиз экинлари экиладиган майдон кузда ҳайдалиши керак. Октябр ойининг иккинчи ярмидан ноябр ойининг биринчи ярмигача бўлган вақт энг қулай ҳисобланади. Эртаги полиз экинлари экиладиган ерни, шу жумладан ҳайдаб юборилган беда пояларини ишлаш, борона босиш ва ерни текислашдан иборат.



Экиш муддатлари

Кечки полиз экинлари, айниқса, кечпишар навлар экиладиган майдонни ишлаш, намни сақлаб қолиш мақсадида эрта баҳорда ерни бороналаш ҳамда бегона ўтлар ва қатқалоқни йўқотиш мақсадида 23-25 см чуқурликда ҳайдашдан иборат.

Полиз экинлари уруғининг униб чиқиши учун ҳарорат +15 +18 С бўлиши керак. Бу ҳарорат одатда 17-27 апрелга тўғри келади. Экиш муддати об-ҳавонинг келишига, ёғингарчиликка, вақти-вақти билан тўладиган зовурларга, ариқлардаги сувнинг миқдорига ва бошқаларга боғлиқ. Ҳарорат +10 С дан пасайиб кетганида қовун ўсиб ривожланишдан тўхтайд.

Хоразм ва Қорақалпоғистонда эрта ва ўрта эртапишар навларни 20 апрелдан 1 майгача, ўртапишар қовунларнинг энг қулай муддати 1 майдан 15 майгача, кеч пишар қовунларнинг экиш муддати 20 майдан 1 июнгача энг қулай муддат ҳисобланади.

Қовун ва тарвуз ҳосилини барвақт етиштириш учун кўчатлар гўнг-чириндили тувакчаларда ўстирилади. Тажрибалардан гўнг-чириндили тувакчаларда ўстириб далага экилган қовунлар тўғридан-



тўғри далага экилган қовунларга қараганда икки-уч ҳафта олдин пишиши, ҳосилдорлиги 32-54 % кўп бўлиши маълум.

Экиш усуллари

Қовунни экиш схемаси $(290+70)*70/2$, $(270+90)*70/2$ см. Бундай схемада қатор ораларини ишлашда тўрт ғилдиракли тракторлардан фойдаланиш, ҳосилни йиғиб олишда 2 ПТК-4 прицеplаридан фойдаланиш имконини беради. Қовун уруғларини КБУ-2-ЧМ селкаларида экилади. Қовун уруғини экишдан олдин бирикки кун сувда ивителиди. Уруғлар 5-6 см чуқурликка, 5-6 дона уруғ экилади. Экиш нормаси гектарига 4-5 кг.



Озиқлантириш

Қовун экинлари тупроқ унумдорлигига жуда талабчан. Унумдорлиги паст тупроқлар кам ҳосил беради, қовунлари майда ва бемаза бўлади, шунинг учун ҳам бундай ерларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Жумладан, гўнг,

компост ва б. ҳамда минерал ўғит – азотли, фосфорли ва калийли билан озиқлантирилади. Хўжаликда гўнг захирасининг кўп-озлигига қараб гектарига фақат гўнгнинг ўзидан 15-20 т. дан то 40-60 т.гача сарфланади.



Гўнг ерга ёппасига солинганда у кузда далага сочиб юбориб кейин шудгор қилинади. Хўжаликда гўнг кам бўлса, экинни экиш олдида кўш эгатларга солинади ёки ариқ тортилгандан кейин

берилади. Унумдор, азотли ҳамда фосфорли ўғитлар кўп солинган тупроқларга қўшимча миқдорда калийли ўғит бериш қовун ўсиб ривожланишига яхши таъсир қилади. Бир хил ўғит солинадиган бўлса, унинг нормаси режалаштирилган ҳосил миқдори билан аниқланади. Гектаридан 200 ц. ҳосил олиш режалаштирилганда азотли ўғит гектарига 300 кг, 250 ц ҳосил олиш режалаштирилганда ўғит миқдори 350 кг.га етказилади. Бўз тупроқли ерларга фосфорли ўғитлар азотли ўғитлар билан тенг нисбатда (1:1), органик моддаларга бой бўлган ўтлоқ ерларга, шунингдек ҳайдалган бедапояларга 1:1,5 нисбатда солинади. Суперфосфат таркибида 18% фосфор кислотаси бўлади. Демак гектаридан 250 ц



ҳосил режалаштирилган ерларга ўрта ҳисобда 430 кг аммиакли селитра ва 550-600 кг суперфосфат солиш керак. Суперфосфатнинг йиллик нормасининг 75% кузда, ер ҳайдаш олдидан, қолгани жуфт эгатларга экинни экиш олдидан солинади. Азотли ўғитламинг 50% и экин экишдан олдин, қолган 50% эса ўсимликламинг ўсув даврида озик сифатида берилади.

Озиқлантириш ўсимлик ривожланишининг эртаги пайтларида, найчалагунча берилгани маъқул. Азотли ўғитлар шу тартибда тақсимланганда ҳосилдорлик ошибгина қолмасдан, уларнинг



мазаси ҳам яхшиланади. Органик ва минерал ўғитлар аралаштирилиб солинганда, йиллик гўнг ва калийни нормасининг ҳаммаси, суперфосфат йиллик нормасининг 75% и кузда ерни ҳайдаш олдидан берилади, қолган қисми эса қовун экиш олдидан жуфт эгатларга солинади ёки қўшимча озик сифатида ўсимликнинг ўсув даврида берилади.

Азотли ўғитнинг йиллик нормасининг 50% и жуфт эгатларга экиш олдидан ёки экишдан олдинги ерни ҳайдаш вақтида солинади, қолган 50% и эса ўсимликнинг ўсув даврида қўшимча равишда берилади. Полиз экинлари машинада экиладиган бўлса азотли ҳамда фосфорли ўғитлар ерга экиш билан бир вақтда ва қатор ораларига ишлов беришда озиқлантирилади.

Қовунларни озиклантиришнинг қанд тўпланишидаги ўрни



Қовунларда қанд тўпланишига турли минерал ўғитлар турлича таъсир этади. Ўсимликка фақатгина азотли ўғитлар бериш

натижасида қовуннинг қанди камаяди. Азотли, фосфорли калийли ўғитлар биргаликда солинганда қовунда қанд миқдори жуда кўп тўпланади. Йиллик азотли ўғит нормасининг ҳаммасини ўсимликнинг ўсув даврида қўшимча озик сифатида берилганда ҳосилдорлик анча ортади, лекин қовун маҳсулоти таркибидаги қанд миқдори камаяди.

Азотли ўғитлар ўсув даврларининг бошларида берилса, қанд кўпроқ тўпланади, ўғитнинг 50% уруғ экиш билан бирга ва 50 % гуллаш ва мева туғиш даврида солинса ўсимлик нормал ўсади. Бунинг натижасида ҳосилдорлик ҳам, қовуннинг ширадорлиги ҳам ортади.

Суғориш

Гектаридан 200-250 ц қовун олиш учун вегетация даврида тупроқни суғориш олдидан дала намланишини 65-75% кв/м га атрофида сақлаб туриш талаб



етилади. Экинга 600-700 кв/м га нормада 5-6 марта сув бериб тупроқнинг шу даражадаги намлигига эришилади. Бунда суғориш нормаси ҳаммаси бўлиб гектарига 3000-4000 м³/га тенг бўлади. Бу суғориш нормаси тупроқнинг турига, ер ости сувларининг жойланиш чуқурлигига, рельефга, суғориш усулига ва метеорологик жараёнларга қараб кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Полиз экинлари зараркунандалари

Полиз экинларида сўрувчи ҳашаротлардан ширалар, ўргимчакканалар, оқ пашшалар, қандалалар, трипслар кўплаб учрайди. Кемирувчилардан энг кўп тарқалганлари-кузги тунлам, ёввойи тунламлар, карадрини, сим куртлари, қовун пашшаси каби кўплаб зараркунандалар полиз экинларига ҳужум қилиб яшайдилар.

Қовун пашшаси

Қовун пашшаси май ойининг охирида чиқиб, июн ойидан бошлаб зарарлайди. Бунда она пашшалар оталаниб, 3-4 кун ўтгач тухум қўя



бошлайди. Қовун пашшасининг катталиги 5-6 мм бўлиб оч сариқ рангли бўлади ва тез учади. Улар ўз тухумларини қовун гул бандиларига, гул косачалари атрофига, ўсимлик пояларига, кесакчалар остига якка-якка ҳолда қилиб қўядилар. Қовун пашшаси бир мавсумда 4-5 марта авлод қўяди.



Қарши кураш-Қовун пашшаси билан зарарланган майдонлар аниқланса, тезлик билан зарарланган қовунлар ва ўсимлик қолдиқлари чуқурларга ташланиб дорилаб кўмиб ташлаш тавсия этилади. Қовун пашшаси билан зарарланган майдонлар кеч кузда чуқур қилиб ҳайдалиб, қиш ойларида суғориб, ерларни музлатиш тавсия қилинади. Қовун уруғларини экишдан олдин дорилаш керак. Шу билан бирга қовунни ўсув даврида агротехникавий тадбирларни яъни, чопиш, маъдан ўғитларни ўз вақтида бериб бориш лозим. Уруғлар униб чиқиши ва қовуннинг гуллаш даврида 2-3 марта перитойдли кимёвий препаратлар билан ишлаш керак. Булардан-Карате 0,5 л/га, Дельтафос-0,5 л/га, Нурелл-Д-0,2 л/га, Сумми альфа-0,2 л/га, Детсис-0,4 л/га ва Хостатион препаратидан 1,0 л/га ишлов берилганда қовун ҳосилини сақлаб қолиш мумкинлигини ҳар томонлама исботланган.



Полиз экинларининг асосий касалликлари. Буларга ун шудринг (оқ палак), фузариоз, сўлиш ва мозаика касалликлари киради. Ун шудринг (оқ палак) касаллиги қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг каби

палакли экинларни зарарлайди. Бу касаллик ўсимликларни ўсув даврида намликнинг ортиши, иссиқликнинг кўтарилиши натижасида пайдо бўладиган замбуруғли касалликдир. Ўсимлик барглари оғир ва устки қисмида майда оқ доғчалар пайдо бўлиб, кейинчалик катталашиб боради ва бутун ўсимлик баргларнинг устини қоплаб олади. Бу замбуруғлар учун экин экилган майдонларда тупроқда намликнинг ортиши ва иссиқликнинг 16-18 С° даражадан юқори кўтарилиши кўпайиш учун энг қулай шароит ҳисобланади.





Қарши караш-алмашлаб экишни жорий қилиш, ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, ўсимликнинг ўсув даврида пушта устига олингугуртдан 30-40 кг/га ҳисобида солиш тавсия қилинади. Шу билан бирга касалланган ўсимликларга Топсин-М.с.п. дорисидан 1 кг/га ёки Топаз 10% э.к 0,12-0,15 л/га ёки 80% сувда эрувчи

олтингугуртдан 3-4 кг/га ёки Байлетон 25% к.п.-0,3-0,4 кг/га ҳисобида 600 л. сувга аралаштириб пуркаш лозим.

Фузариоз сўлиш касаллигининг олдини олиш учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган: шу касалликка чидамли навларни экиш; уруғлик учун меваси зарарланмаган, соғлом



ўсимликларнинг иккинчи ҳосил теримидан ажратиш; даладаги ўсимликлар қолдиқларини йиғиштириб, йўқ қилиш; полиз экинларини бедадан, пиёз ва сабзидан бўшаган ерларга экиш. Экинларни озиқлантириш: минерал ўғитлар билан-соф модда ҳисобидан гектарига 150 кг азот ва шунча фосфор, 100 кг калий ўғити билан биргаликда ёки гектарига 20 тонна гўнг ва юқоридаги минерал ўғитларнинг ярим нормаси билан белгиланган муддатларда солиш. Дала нам сиғими (ДНС) 75 % га тушганда экинларни суғориш. Экиш олдидан уруғларни

12 соат давомида қуйидаги микроэлементлардан бирининг 0,5 % ли эритмасида ивитиш-темир, бор, марганец, рух ва мис; ўсимликлар қийғос гуллаганда шу микроэлементлар 0,1 % ли эритмасини пуркаш лозим.

Полиз битига қарши қуйидаги инсектицидларнинг бирини ўсимликка пуркаш керак: актеллик ёки белофосфат моддаларининг 50 % ли эмулсияладиган концентрати (ЭК.) гектарига 0,5-1,5 кг; сайфос-50 % ли намладиган кукуни (НК) гектарига 0,8-1,2 кг; антио-20 % ли э.к - гектарига 1,5 кг; карбофос-30 % ли э.к гектарига 4 кг ҳисобидан. Бу



зараркунандага қарши биологик усулдан ҳам фойдаланиш мумкин: бунда олтинкўз, галлица, афидимиза энтомофаглари полиз экинларига ёйиб чиқиш зарур.



Ўргимчакканага қарши курашда қуйидаги препаратлардан фойдаланиш мумкин: олтингугурт кукуни ва янги сўндирилган оҳак аралашмаси (1:1) билан гектарига 30 кг ҳисобидан ўсимликларни чанглаш; 1 % ли коллоид олтингугурт ёки олтингугурт-оҳак қайнатмаси (ИСО); рогор (янги Бл-58)-э.к гектарига 1,0- 1,5 кг; антио-20

% ли э.к гектарига 1,5 кг; дакариол-18 % ли э.к гектарига 1,5-2 кг;

актеллик-50 % ли э.к гектарига 4-5 кг; карбофос-50 % ли э.к гектарига 4-6 кг; фазалон-35 % ли э.к 1 % ли аралашмасини ўсимликларга пуркаш яхши натижа беради.



Тунламларга қарши кураш чоралари: кузги ва қишки яхоб суви бериш, капалакларни ёритгичлар ёрдамида ва заҳарли ем бериб йўқотиш. Заҳарли ем сифатида лавлаги қуюқ қиёми 3 хисса сув билан аралаштирилиб ишлатилади.

Тунламлар ғумбагини йўқотиш учун уруғни экишда тупроққа гектарига 50 кг ҳисобидан базутсин моддаси ёки шунча миқдорда донадор суперфосфат (1 кг рогор аралаштириб) солиш фойда беради. Шунингдек, ўсимликларнинг илдиз бўйни атрофига гектарига 80-100 кг ҳисобидан заҳарли ем солиш ҳам кураш чораларидан биридир. Заҳарли ем таркибида кунжара уни, омихта ем ёки яшил беда, 3 кг хлорофос бўлиши керак. Қуйидаги заҳарли дориларнинг бирини ўсимликларга пуркаш ҳам яхши натижа беради: 0,08 % ли амбуш ёки белофос; 0,04 % ли анометрин; 0,03 % ли нурелл; 0,02 % ли рипкорд, этефос, фоксам препаратлари.



Минтақада етиштирилаётган қовун навлари.

ХАНДАЛАК НАВЛАРИ:

"Маҳаллий сариқ хандалак" қовун нави.



Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Эртапишар нав, ўсув даври 60-65

кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Мева юзаси бир оз тилим, ранги сариқ, вазни 0,8-2,0 кг, пўсти юмшоқ. Эти сарғиш, ўрта калин, ғоваксимон, ширали, майин, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 6,1-7,8%. Ҳосилдорлиги 14-25 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

"ХАНДАЛАК КЎКЧА 14"

қовун нави. Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Эртапишар нав, ўсув даври



58-62 кун. Меваси ясси япалоқсимон, кулранг яшил, юзаси бироз пигментлашган, майда сийрак тўр билан қопланган, тўри мевабанд томонида куюкроқ, пўсти юмшоқ, вазни 0,8-1,3 кг. Эти оқ, калинлиги 3,5-4,0 см, майин, ширали, хушбўй, дигустацион баҳоси- 3,8 балл. Ҳосилдорлиги 15-19 т/га.

"КИЧКИНТОЙ" қовун нави. Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз



экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Эрта-ўртапишар нав, ўсув даври 75-80 кун. Палаги бақувват, сершоҳ. Барги қалин, тўқ яшил рангли, қирқимли. Меваси шарсимон, ўртача, вазни 0,8-1,2 кг, юзаси текис, сариқ рангли, тўлиқ майин тўр билан қопланган. Эти оч яшил, тигиз, майин, ёқимли хиди бор. Қанд миқдори 14,4%. Ҳосилдорлиги 19-22 т/га. Ун шудринг касаллигига чидамли.

ҚОВУН НАВЛАРИ:



"АМУДАРЁ" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 125-130 кун. Меваси калта цилиндрсимон, йирик, вазни 4-6 кг, юзаси ғадир-будир, жигарранг, гулсиз. Эти оқ, қалинлиги 6,5-8,0 см, дегустацион баҳоси 5,0 балл. Таркибида қанд моддаси миқдори 10-11% бор. Ҳосилдорлиги 45-50 т/га. Қишда яхши сақланади. Ун шудринг ва фузариоз сўлиш касаллигига чидамли.

"ҚЎЙ-БОШ 476" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Кечпишар нав, ўсув даври 120-130 кун.

Палаги узун. Барги юраксимон, ўрта

ҳажмли. Меваси тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, вазни 3,5-6,0 кг, юзаси бир оз ажинли, мева банди тўқ яшил ранг, юқори қисми- сариқ-жигарранг, тўри тўла, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, пўчоғи атрофияшил, кам қарсиллайдиган, ширин, кам ҳидли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 7,6-10,4%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га. Ташишга чидамлилиги яхши ва қишда сақлашга яроқли.



"САХОВАТ" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Кечпишар нав, ўсув даври 120-125 кун.

Меваси тухумсимон, ўртача, вазни 4,4 кг,

юзаси силлиқ, тўқ жигарранг, тўр билан қопланган, пўсти қаттиқ, ўрта қалин. Эти оч-яшил, қалин, янги узилганда сағал қарсиллайди, сақлангандан сўнг эрувчан, жуда ширин. Таркибидаги қуруқ модда миқдори 15,4%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Сақланиш муддати 120 кунгача. Ун шудринг касаллигига чидамли.

"ҚОРА-ПЎЧОК 3744" қовун нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-

тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув

даври 115-130 кун. Палаги узун. Барги

буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси чўзиқ

тухумсимон, вазни 5,8-7,0 кг, юзаси силлиқ,



қорамтир-зайтунранг, тўри тўла ёки қисман қопланган, пўсти ўрта каттиқ. Эти оқ, қалин ёки ўрта, толали, ширали. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 10,1%. Ҳосилдорлиги 29-38 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.



"ГУЛОБИ ХОРАЗМИЙ" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 112-120 кун. Палаги кучли ўсувчан. Меваси узун цилиндрсимон, йирик, вазни 5-10 кг, юзаси ғадир-будир, қорамтир-кўкиш, гулсиз. Эти қалин 7-8 см. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 14-15%. Ҳосилдорлиги гектарига 50-55 т/га. Сақланиши жуда яхши, транспортда ташишга чидамли. Ун шудринг касаллигига чидамли.

"ЗАРҒАЛДОҚ ГУЛОБИ " қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 110-115 кун. Меваси тухумсимон,



сарғиш яшил, юзаси текис, мевабанди бироз пигментлашган ва тўр билан қопланган, вазни 2,0-3,0 кг, пўсти қалин. Эти оқ, қалинлиги 5,0-6,0 см, тиғиз, сақланиш давомида ширинлиги ортади, серсув, юмшоқ, эрувчан, дигустацион баҳоси 5,0 балл. Ҳосилдорлиги 29-30 т/га. Транспортда ташишга яроқли, яхши сақланади.



"УМИРВОҚИ 3748" қовун нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 100-130 кун. Палаги узун. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси тухумсимон, вазни

4,0-6,0 кг, юзаси силлиқ, қорамтир-зайтунранг, тўри тўла ёки қисман қопланган, йирик катакли, дағал, пўсти қаттиқ. Эти яшил-оқ, калин, ўрта толали, ширали. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 7,3-11,7%. Ҳосилдорлиги 22-36 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.

"ОЛА-ХАММА" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 100-123 кун. Палаги



узун. Барги юраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси овалсимон ёки тухумсимон, вазни 8,0-17,0 кг, юзаси силлиқ ёки бир оз ғадир-будир, ялтироқ, яшил-сарик ёки ёрқин лимонранг-сарик, тўри мевабанд қисмида билинар билинмас ёки мавжуд эмас, пўсти қаттиқ. Эти оқ, калин, ўрта толали. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 11,5-12,0%. Ҳосилдорлиги- 30-35 т/га, айрим ҳолларда 54 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.



"БЕШАК" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 100-115 кун. Палаги узун. Барги бешбурчаксимон, ўрта

ҳажмли. Меваси тухумсимон, вазни 3,5-7,0 кг, юзаси бир оз ажинли ёки силлиқ, сарик яшил рангли, тўри тўла, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин,

толали, кам Қарсиллайдиган. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 7,6-10,2%. Ҳосилдорлиги 35-50 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.

"ҚОРА ҚАНТ" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 100-110 кун. Палаги ўрта. Барги юмалоқ-буйраксимон,



ўрта ҳажмли. Меваси овалсимон, вазни 2,5-3,5 кг, юзаси силлик, бир оз тилим-тилим, жигарранг, тўри тўла, пўсти ўрта қаттик. Эти яшил-оқ, калин, ўрта толали. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 9,0-12,0%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.



"ГУРЛАН" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 108-120 кун.

Меваси йирик, юзаси текис, сариқ рангли, қора рангли йўллари бор, тўри дағал, тўлик, вазни 3,1 кг, дегустацион баҳоси 5,0 балл. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 8-9%. Ҳосилдорлиги 45- 50 т/га. Меваси уч-тўрт ойгача сақланади, ташишга чидамли. Ун шудринг касаллигига чидамли.

"ТЎЁНА" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 105-115 кун. Меваси йирик, тухумсимон, ўртача ҳажмда, вазни 4-6



кг, юзаси текис, узаётганда қўнғир кулранг, етилтирилгач сарғиш-

қўнғир ранг, тўри дағал, тўлиқ. Таркибида қанд миқдори- 9-10%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Меваси уч ойгача сақланади, ташишга чидамли. Ун шудринг касаллигига чидамли.



"ЗАР ҒУЛОБИ" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўрта кечпишар, ўсув даври 100-105 кун. Палаги кучли ўсувчан. Барги юраксимон, чети қиррали,

яшил рангли. Меваси тухумсимон, вазни 5-6 кг, юзаси силлиқ, мева банди томони бироз сегментлашган ва тўр билан қопланган, сарғиш-яшил рангли, пўсти ўрта қалин. Эти оқ, қалин 7- 8 см, яримқарсиллама, сақлов даврида эти юмшоқ, серсув, эрувчан. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 12-14%. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га.

"ГУРБЕК" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 95-105 кун. Палаги узун. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси



думалоқсимон, қирра учли, кам ҳолларда овалсимон, ўрта ҳажмли, вазни 5,9-9,0 кг, юзаси силлиқ, қўнғир-яшил ёки сариқ рангли, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, ўрта толали, ширали, жуда ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 8,8-10,4%. Ҳосилдорлиги 28-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ўрта, сақланувчанлиги ёмон.



"АРАБАКЕШКА 1219" қовун нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 95-100 кун. Палаги ўртача. Барги

буйраксимон, ўрта хажмли. Меваси чўзиқ тухумсимон, вазни 8,0-17,0 кг, юзаси силлиқ, кир-сарик ёки жигарранг-зайтунранг тусли, тўри тўла, пўсти юмшоқ. Эти оқ, пўсти атрофи яшил тусли, қалин дағал толали, кам қарсиллайдиган, ширали, ширин, нок ҳидли. Таркибидаги канд моддаси миқдори 10,0%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.

"ШАКАР ПАЛАК 554" қовун нави. Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 88-100 кун. Меваси тухумсимон, юзаси текис, ёппасига



майда тўр билан қопланган, тўқ яшил узук-узук доғлари тасма шаклини беради, вазни 2,6-3,0 кг, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалинлиги 3,5-4,0 см, жуда ширали, эрувчан, хуштаъм, хушбўй, дегустацион баҳоси 3,8 балл. Ҳосилдорлиги 21-23 т/га. Фузариоз сўлиш касалигига чидамли, ёзги қовунлар орасида энг ширин нав, мевасидан аъло сифат қоқи олинади.



"БУХАРКА 944 (ЧОГОРЕ)" қовун нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Эртапишар нав, ўсув даври 75-85 кун. Меваси ясси юмалоқсимон, баъзан чўзиқроқ, оч сарик, ўртача, вазни 2,0-3,0 кг,

юзаси нотекис, майда-майда буришган, тўрсиз, мевабанд томон тўқ сарик доғлари бор, пўсти юмшоқ. Эти оқ, қалинлиги 5,0-5,5 см, сершира, серсув, юмшоқ, эрувчан, дегустацион баҳоси- 5,0 балл. Ҳосилдорлиги 17-18 т/га. Тупроқ шўрлиги ва ун шудринг касалигига чидамли.

"ЗАРЧОПОН F1" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўрта-эртапишар дурагай, ўсув даври 75-86 кун. Палаги ўрта. Барги юраксимон, ўрта ҳажмли.



Меваси эллипссимон, вазни 2,0-5,0 кг, юзаси бир оз тилим-тилим, ёрқин сариқ рангли, тўри қисман, фақат мева асосида бор, пўсти ўрта калин. Эти пушти, ўрта калин, эрувчан, майин, ширали, жуда ширин, асал таъмли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 11,2%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ташишга чидамлилиги яхши ва сақланувчанлиги ўрта.

"КОК ТИННИ 1087" қовун нави.



Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 80-85 кун. Палаги узун, барги буйраксимон. Меваси

цилиндрсимон, вазни 3,5-6,0 кг, юзаси силлиқ, оч яшил рангли, ўрта катакли, дағал, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, қарсиллайдиган, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 8-11%. Ҳосилдорлиги 22-26 т/га. Ташишга чидамлилиги яхши. Сақланувчанлиги ўрта.

"АК-УРУГ 1137" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 80-88 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, қирқилмаган.



Меваси чўзинчоқ, вазни 4,0-7,0 кг, юзаси силлиқ, мевабанд қисми яшил

ва юқори қисми салкам оқ тусли, пўсти ўрта қаттиқ. Эти оқ, қалин, кам толали, кам қарсиллайдиган, ширали, кам ҳидли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 8,2-9,4%. Ҳосилдорлиги 25-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ўрта.



"КОКЧА 588" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Ўртапишар нав, ўсув даври 80-90 кун. Палаги узун. Барги юраксимон, ўрта хажмли. Меваси тухумсимон, вазни 3,0-4,0 кг, юзаси бир оз тилим-тилим, яшил рангли, тўри тўла, пўсти ўрта қаттиқ. Эти оқ, қалин, пўсти атрофи яшил, майин, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 9,5%. Ҳосилдорлиги- 30-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

"ШАКАР-ПАЛАК 2580" қовун

нави. Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти.

Ўртапишар нав, ўсув даври 80-90 кун. Палаги ўртача. Барги юмалоқ-

юраксимон, ўрта хажмли. Меваси цилиндрсимон-эллипссимон, вазни 3,0-4,0 кг, юзаси силлиқ, оқ-қизғиш, тўри остида майда яшил доғлар бор, тўри тўла, пўсти қаттиқ. Эти қизғиш, ўрта қалин, ўрта толали, қарсиллайдиган, ширали, ширин, ванил ҳидли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 9,0-11,0%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.



"СУЮНЧИ 2" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Ўртапишар нав, ўсув даври 83-87 кун.

Меваси чўзинчоқ-тухумсимон, вазни 2,0-

2,5 кг, юзаси силлиқ, тўри тўлиқ, майда катакли, қовунга кулранг тус беради, пўсти оқиш-лимон ранг, қўшалоқ жимжима йўли бор. Эти қизил, қарсиллайди, серсув, ширин. Таркибида қанд миқдори 10,6-11,8%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ун шудринг касаллигига чидамли.



"ОЛТИН ТЕПА" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Ўртапишар нав, ўсув даври 85-90 кун.

Меваси йирик 3,3-4,0 кг, юзаси силлиқ, қўнғир-яшил рангли, чизиклари доғ-доғ, қорамтир яшил қўш чизмасимон, тўри сидирға, пўсти ўрта қалин, қаттиқ. Эти қизил, қарсиллайдиган, хуштаъм. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 13-15%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ун шудринг касаллигига чидамли.

"ОЛТИН ВОДИЙ" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 85-90 кун. Меваси чўзинчоқ

тухумсимон, вазни 2,0-4,1 кг, юзаси силлиқ, оч яшил рангли, тўқ яшил доғлари бор, тўри тўлиқ, пўсти қаттиқ. Эти оқ. Таркибида қанд моддаси миқдори 11-13%. Ҳосилдорлиги 22-30 т/га. Ун шудринг касаллигига чидамли.



"БАЙТИ ҚЎРҒОН 424" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 85-93 кун. Палаги ўртача. Барги буйраксимон, йирик хажмли. Меваси чўзиқ тухумсимон, вазни- 4,0-6,0 кг, юзаси силлиқ, ёрқин-сарик тусли, тўри тўла, пўсти каттиқ. Эти оқ, ўрта қалин, ўрта толали, қарсиллайдиган, ширали, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 7,3-9,4%. Ҳосилдорлиги 25-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ўрта.



"ЙИРИК ИЧ-ҚИЗИЛ" қовун нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўрта-тезпишар нав, ўсув даври 85-94 кун. Палаги узун. Барги буйраксимон, йирик хажмли. Меваси эллипссимон, вазни 3,9-5,0 кг, юзаси силлиқ, ранги сарғиш-яшил, тўри тўла, пўсти ўрта каттиқ, каттиқ. Эти оч-қизғиш, қалин, ўрта толали, қарсиллайдиган, майин, ширин, ширали. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 10,5%. Ҳосилдорлиги 28-32 т/га. Ташишга чидамлилиги яхши ва сақланувчанлиги ўрта.



"БУРИ КАЛЛА" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 75-80 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон. Меваси япалоқсимон ёки думалоқсимон, ўрта хажмли, вазни 2,5-3,0 кг, юзаси бир оз

нотекис, ёрқин яшил-сарик рангли, тўри тўла, юзасини тўла қоплаган, пўсти ўрта қаттиқ. Эти ёрқин яшил, қалин, юмшоқ, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 7,4-9,6%. Ҳосилдорлиги 25-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

"ДАГБЕДИ" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Эртапишар нав, ўсув даври- 72-88 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси



тухумсимон, вазни 2,0-3,5 кг, юзаси силлиқ, ёрқин яшил тусли, тўри тўла, юзасини ёппасига қоплаган, пўстиўрта қаттиқ. Эти ёрқин яшил, қалин, қарсиллайдиган, тиғиз, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 9,9-10,5%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

"ТАШЛОҚИ 862" қовун

нави. Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври- 72-75 кун. Палаги ўрта. Барги



буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси цилиндрсимон, вазни- 2,2-3,8 кг, юзаси силлиқ, яшил-қизғиш рангли, тўри қисман йирик катакли, пўстиўрта қаттиқ. Эти оқ, майин, тиғиз, хушбўй, асал таъмли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори- 8,3-11,8%. Ҳосилдорлиги 20-26 т/га. Ташишга чидамлилиги ёмон. Сақланувчанлиги икки ҳафта.



"ОБИ-НОВВОТ" қовун нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 70-78 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси кенг эллипссимон ёки думалоқсимон, ўрта ҳажмли, вазни- 3,0-4,0

кг, юзаси бир оз ажинли, қизғиш сариқ рангли, тўри қисман қопланган, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, ширали, эрувчан, ширин, хушбўй. Таркибидаги қанд моддаси миқдори- 7,4-9,3%. Ҳосилдорлиги 18-25 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

"РОҲАТ" қовун нави.

Муаллиф: Тошкент Давлат аграр университети, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.



Тезпишар нав, ўсув даври 70-76 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, қирқилмаган. Меваси цилиндрсимон, вазни 2-3 кг, юзаси бир оз нотекис, ёрқин сариқ рангли, тўрсиз, пўсти юмшоқ. Эти пушти оқ, қалин, эрувчан, майин, жуда ширин. Ҳосилдорлиги 13-15 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.



ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ

Мамлакатимизда полиз
экинлари жуда қадим
замонлардан бери
етиштирилади. Ўзбекистон
ширин таъмли ва шифобахш
хусусиятларга эга полиз

маҳсулотлари билан дунёга донг таратган.

Тарвуз таркибида глюкоза, фруктоза ва сахароза кўринишида тўпланадиган 12% гача енгил ўзлаштириладиган қандлар мавжуд. Шунингдек, унда С, В1, В2, А, фолий кислотаси, пектин моддалари, каротиноидлар, калий тузлари, темир, магний ва кальций моддалари, аминокислоталар ҳам бор.

Тарвузнинг шифоси. Тарвузнинг шифобахш хусусиятлари замонавий тиббиётда ҳам кенг қўлланилади. Хусусан, тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра, тарвуз таркибидаги фолий ва аскорбин кислотаси бошқа моддалар билан биргаликда склерозга қарши таъсир кўрсатар экан. Тарвузнинг суви артрит, подагра, ичак касалликлари, атеросклероз каби хасталикларни даволашга ёрдам беради. Унинг пешоб ҳайдовчи хусусияти юрак ва буйрак касалликлари билан боғлиқ аъзолардаги шишларни йўқ қилади. Жигар хасталикларида тарвуз суви организмдан ортиқча суюқлик ва шлакларни чиқарибгина қолмасдан, жигар тўқималарини енгил ўзлаштириладиган қандлар билан ҳам таъминлайди.



Экиладиган тарвуз уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юкмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), уруғ назоратидан ўтган бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Тегишли тарвуз уруғи танлаб олинади ва материалга ўраб саёз ликопчага солиб, устига олдиндан тайёрлаб қўйилган марганцовкали аралашмали сув қўйилади. Аралашма иссиқ ва оч пушти рангда бўлиши лозим. Кейин уруғ солинган ликопча елим халтачага солинади ва озгина ҳавони қамаб, оғзи боғланади. Сўнг камида $+20^{\circ}\text{C}$ ли хонага қўйиб қўйилади. Елим халтачани ҳар куни шамоллатиб, кўздан кечириб туриш керак. 2-3 кун ўтгандан сўнг уруғ тупроққа экишга тайёр бўлади.

Ернинг ҳарорати $+12+15^{\circ}\text{C}$ га етганда тарвуз уруғлари 5-6 см чуқурликда экилади. Қатор ораси 210-280 см бўлган кенг эгат олинади. Экиш схемаси $(280+70):2*70$ ёки $(270+90):2*70$. Шунда ҳар гектарига 6-8 минг туп ўсимлик жойлаширилади. Бундай эгатлар полиз экинлари палакларини яхши тарқалишига имкон беради. Майда уруғли тарвузларни экиш учун 1 сотихга 45-50 г, йирик уруғли тарвузларни экиш учун еса 55-60 гр уруғ сарфланади.

1. Марказий минтақада жойлашган вилоятларда тарвузнинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртаги 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртаги навлар 10-20 апрелда, кечкилари эса 10-20 июнда экилади.



Уруғни май ойининг бошларида экиш зарур. Чунки тарвуз жуда иссиқсевар полиз экини ҳисобланади. Агар аввалроқ уруғни ерга қадасангиз, ўсимликнинг ривожланиши анча секинлашади. Экиш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган ва анча униб чиққан уруғлар танлаб олинади.

2. Тарвузни экиш учун чуқурча ковланиб ва ҳар бир чуқурчага 4-5 тадан уруғни 4-5 см чуқурликка ташлаб, устидан тупроқ тортилади. Агар уруғ нам тупроққа экилса, ниҳоллар униб чиққунча суғориш талаб этилмайди. Тарвуз экинини асосий парваришлаш ишлари ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади. Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва биринчи чопиқ вақтида ўтказилади.

Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади. Ниҳоллар униб чиққандан 20-25 кун ўтказиб, яъни уларда иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, дастлабки сув берилади, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Вегетация мобайнида қатор оралари 4-5 марта чопиқ қилинади.



Суғориш.

Агар уруғ нам тупроққа экилса, ниҳоллар униб чиққунича суғориш талаб этилмайди. Очиқ томорқада зарур парваришсиз, озиқлантиришсиз яхши тарвуз етиштириш мумкин эмас. Тарвуз мевасининг серсувлиги тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ. Лекин керагидан ортиқ намлик, яъни суғориш ҳосилнинг ширасини қочиради.

Озиқлантириш. Тарвузларни озиқлантириш куйидаги муолажадан иборат бўлиб, бу талабларга қатъий риоя қилишга тўғри келади:

1. Ҳар бир туп ўсимликка 2 литр сув тўғри келиши керак.
2. Уруғ экилгач, етти кун кейин мўътадил равишда минерал ўғитли аралашма билан суғориш мақсадга мувофиқдир.

Новдаларни кесиш. Баъзи иқлимларда тез ўсиб кетиши сабабли тарвузлар пишишга улгурмай қолади. Ўсимлик танасидаги барча хамакларга тенг миқдорда куч сарфласа-да ҳар бир тупда 5 тадан кўп тарвуз бўлмаслиги керак. Ортиқча хамакларни узиб ташлаш керак.

КАСАЛЛИК ВА ЗАРАКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Уруғни экишга тайёрлаш олдида
бир сутка давомида сувда ивителиди. 1
кг уруғни 34% “Витавакс”
препаратининг 2 фоизли ёки 60,7%
“Превикур” препаратининг 1,5 фоизли
эритмасини пуркаш орқали
зарарсизлантириш тавсия этилади.



Тарвуз экинига илдиз чириш, фузариоз сўлиш, ун шудринг касалликлари, зараркунандалардан полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оққанот, қовун пашшаси катта зарар етказди. Зараркунандаларга қарши 10 сотих экин майдонига “Моспилан” 20% н.кук. (25-30 гр), “Агрофос Д” 55% (150 мл) ва касалликларга қарши “Превикур” 72,2% с.е.к. “Б-58”. (150 мл), “Курзат Р” н.кук. (200-250 гр), “Рирдомил голд” 68% с.д.г. (200-250 г) ёки 1 фоизли “Бордо” суюқлигини қўллаш мумкин. Экинга 60-70 литр сувда тайёрланган аралашма пуркалади. Бу препаратлар ҳаво салқин пайтларда, эрталаб ва кечки салқинда пуркалади. Кимёвий препаратларни гуллашдан олдин, гуллашдан кейин қўллаш тавсия этилади. Гуллаш даврида қўллаш мумкин эмас. Кимёвий препаратларни қўллаш тарвуз пишишидан 25 кун аввал тўхтатилади.



Биологик кураш чораси: олтинкўз бу ҳаммахўр кушанда ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик экинларидаги ўсимлик битлари, трипслар ўргимчаккана, тунлам капалакларининг ёш қуртларига қарши қўлланилади. Шунингдек, ун шудринг, фузариоз сўлиши, бактериоз – тарвуз учун энг хавфли касалликларга қарши курашиш чораларини қуйидаги усулда қўллаш мумкин:

Ерни алмашлаб экишга риоя қилиш, уруғларни дорилаш, ўсимликларни касалликларига қарши «Акробат», «Энтоликур», «Энтохлорок» каби каби дорилар билан дорилаш даркор. Экинни ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида «Вуксал» комплекси, «ВЛ-77» каби стимулятор ва озукалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар ўсимлик зарарланган бўлса, КУПРОСАТ ёки ОКСИХЛОРИДни қўллаш мумкин. Ўсимлик сўлиши унинг нобуд



бўлишига олиб келади. Касалликнинг тарқалишига ўсимлик қолдиқлари, уруғлар ва тупроқ сабаб бўлади. Экишдан 3 соат олиндин уруғларни «БАКТОФИТ», «ВИТОВАКС» суюқлигида ушлаб, ишлов бериш тарвузнинг касалланишини олдини олиши мумкин.

Агар баъзи уруғлар зарарланган бўлса, уларни йўқотиш керак. Соғларини эса калий-фосфат ўғитлари билан озиқлантириш тавсия этилади.



Минтақада етиштирилаётган тарвуз навлари:

"ХАИТ ҚОРА" тарвуз нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 120-130 кун. Палаги катта, ён шох ва барглар сони кўп.

Барги конуссимон, яшил рангли, бироз майин тукли. Меваси нотўғри шарсимон, йирик, вазни 5-6 кг, юзаси силлиқ, мева банди томони сезилмас дўнгроқ, расмсиз, ерга тегиб турган жойлари сарғиш жигарранг, пўсти қаттиқ, тўқ яшил, баъзан қорамтир. Эти қизил, серсув, сершира, эрувчан, жуда ширин, дегустацион баҳоси 5,0 балл. Таркибида куруқ модда миқдори 8,1%, қанд миқдори 7,2%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Қишда яхши сақланади.



"ҚЎЗИБОЙ 30" тарвуз нави.



Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 120-130 кун. Палаги катта, пояси узун. Меваси юмалоқсимон, юзаси силлиқ, яшил, баъзан қорамтир, юзасида четлари жимжима, ингичка, кам билинадиган тасмалари бор,

вазни 5-6 кг, пўсти қаттиқ. Эти оч қизил, серсув, ширали, баъзан толали, дегустацион баҳоси 3,5-4,7 балл. Таркибида куруқ модда миқдори 7,2%, қанд миқдори 6,8%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Қишда яхши

сақланади. Узоқ масофаларга жўнатишга яроқли, қурғоқчиликка чидамли.



"ГУЛИСТОН" тарвуз нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Кечпишар нав, ўсув даври 108-120 кун. Палаги узун. Меваси юмалоқсимон, юзаси силлиқ, яшил рангли, юзида четлари жимжима ингичка тўқ яшил рангли тасмалар

мавжуд, вазни 5-6 кг, пўсти қаттиқ. Эти қизил, серсув, ширали, эрувчан, баъзан толали, дегустацион баҳоси 4,7 балл. Таркибида қуруқ модда миқдори 8,7%, қанд миқдори 7,6%. Уруғи йирик, япалоқсимон, оқ тусли, юзаси силлиқ. Ҳосилдорлиги 31-35 т/га. Узоқ масофаларга жўнатишга яроқли.

"КОРОЛЬ КУБА 92" тарвуз нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 100-106 кун. Палаги ўртача, пояси ўртача. Меваси юмалоқсимон, юзаси силлиқ, вазни 3,0-4,0 кг, пўсти оч яшил, юзида четлари жимжима,



ингичка, тўқ яшил рангли тасмалари мавжуд. Эти қизил, серсув, ширали, эрувчан, баъзан толали, дегустацион баҳоси 4,6 балл. Таркибида қуруқ модда миқдори- 6,5%, қанд миқдори 4,9%. Уруғи тухумсимон, майда, қора, юзаси бироз нотекис, тумшукчаси- оқ. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га.



"МРАМОРНИЙ 2150" тарвуз нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Ўртапишар нав, ўсув даври 100-105 кун. Палаги ўртача, ён шох ва барглар сони ўртача. Барги конуссимон, яшил рангли. Меваси шарсимон, ўртача, вазни 2,5-3,5 кг, юзаси силлик, узоқ-узоқ бир биридан бир хил масофада жойлашган мармар гуллари мавжуд, тасмалар мева банди атрофида зичлашади, пўсти қаттиқ. Эти малина ранг, серсув, ширали. Таркибида қуруқ модда миқдори- 7,9%, қанд миқдори 6,9%. Ҳосилдорлиги 27-30 т/га.

"УЗБЕКСКИЙ 452" тарвуз нави.

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти. Эрта-ўртапишар нав, ўсув даври 90-92 кун. Палаги ўртача, асосий поя узунлиги ва баргланиши ўртача. Меваси шарсимон, баъзан япалоқроқ, оч яшил



рангли, юзаси силлик, текис майда тўрсимон тўқ яшил тасмалари мавжуд, тасма қирралари эгри-бугри, вазни 3-4 кг, пўсти қаттиқ. Эти малина ранг, серсув, шираси нисбатан кам, баъзан толали, дегустацион баҳоси 3,5-4,0 балл. Таркибида қуруқ модда миқдори 6,4%, қанд миқдори 5,6%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га.



"Манзур" тарвуз нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Эртапишар нав, ўсув даври 80-90 кун.

Палаги ўртача, ён шох ва барглар сони

ўртача. Барги конуссимон, яшил рангли,

бироз майин, тукли, оч яшил тусда. Меваси шарсимон, ўртача хажмда,

вазни 2,5-3 кг, пўсти қаттиқ, оч яшил, тикансимон тўқ яшил гуллари

бор. Эти малинасимон, уруғлари майда. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га.

"Дилноз" тарвуз нави. Муаллиф:

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва

картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Эрта-ўртапишар нав, ўсув даври 80-85

кун. Меваси шарсимон, пўсти тўқ яшил,

қора тикансимон гуллари бор, вазни 3-4 кг.

Эти тўқ қизил, серсув. Таркибида қанд

миқдори 7,5-8,5%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га. Ташишга чидамлилиги

юқори.



"Сурхон тонги" тарвуз нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот,

полиз экинлари ва картошкачилик

илмий-тадқиқот институти. Эрта-

ўртапишар нав, ўсув даври 75-80 кун.

Палаги узун 3,5-4,0 м, барг

пластинкаси узунлиги 18-24 см, яшил рангли. Меваси узунчоқ, оч яшил

рангли, силлиқ, узунлиги 40-42 см, эни 19 см, вазни 5-6 кг, пўсти ўрта

қалин. Эти тўқ қизил, серсув, ширин. Ҳосилдорлиги 45-50 т/га. Ўртача

узоқликка ташишга мўлжалланган, қурғокчиликка ва касалликларга

чидамли.

"ФЕРМЕР" тарвуз нави. Муаллиф:

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти.

Тезпишар нав, ўсув даври 74-76 кун. Меваси

цилиндрсимон, тўқ яшил мозаикали рангли,

эти тўқ қизил, вазни 4,5-8,8 кг. Таркибидаги

қанд моддаси миқдори 7,6-9,2%. Ҳосилдорлиги 28-30 т/га. Ун шудринг

касаллигига ва қурғоқчиликка чидамли.



"ДЕХҚОН" тарвуз нави.

Тезпишар нав, ўсув даври 73-75 кун.

Меваси цилиндрсимон, баъзан

тухумсимон, оч яшил рангли, эти

қизил, вазни 4,8-7,2 кг. Таркибидаги

қанд моддаси миқдори 8,2-8,4%.



Ҳосилдорлиги 25-29 т/га. Ун шудринг касаллигига ва қурғоқчиликка

чидамли. Нав Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида етиштирилади.

"Чиллаки F1" тарвуз нави.

Муаллиф: Ўзбекистон сабзавот, полиз

экинлари ва картошкачилик илмий-

тадқиқот институти. Эртапишар

дурагай, ўсув даври 72 кун. Палаги

ўртача, ён шох ва барглари сони ўртача.

Барги конуссимон, яшил рангли, бироз майин, тукли, оч яшил тусда.

Меваси думалоқсимон, юзаси силлиқ, вазни 4-5 кг, пўсти юпқа, оч

яшил рангли, юзасида четлари жимжима, ингичка, тўқ яшил ранглиги

тасмалари мавжуд. Эти ширин, қизил, кам уруғли. Таркибидаги қанд

моддаси миқдори 9,8%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га.





"ЎРИНБОЙ" тарвуз нави. Муаллиф:

Тошкент Давлат аграр университети,
Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва
картошқачилик илмий-тадқиқот
институти. Эртапишар нав, ўсув даври
70-75 кун. Палаги ўртача, ён шох ва

барглари сони ўртача. Барги конуссимон, яшил рангли, бироз майин,
тукли, оч яшил тусли. Меваси думалоқсимон, юзаси силлиқ, пўсти оч
яшил ранг, юзасида четлари жимжима, ингичка, тўқ яшил рангли
тасмалари мавжуд, вазни 2-3 кг. Эти қизил, серсув. Таркибида қанд
миқдори 6,0-6,5%. Ҳосилдорлиги 20-25 т/га. Плёнка остида
етиштиришга яроқли.

"ОЛМОС" тарвуз нави. Муаллиф:

Ўсимликчилик илмий-тадқиқот
институти. Эртапишар нав, ўсув даври
90-96 кун. Палаги ва барглари ўртача.


Барги оддий, яшил. Меваси
юмалоқсимон, юзаси силлиқ, тули оч
яшил, юзаси бўйлаб ўткир учли



тўлқинсимон тўқ яшил тасмалари бор, вазни 3,5-4,0 кг. Эти қизил,
сершира, майин, дегустацион баҳоси 4,6 балл. Таркибида қуруқ модда
миқдори 7,9%, қанд моддаси миқдори 6,8%. Ҳосилдорлиги 32-33 т/га.
Мева бериш даври қисқа, икки теримда ҳосил тугайди.


ҚОВУН НАВЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Қовун навларининг шакллари




- 1 – ялпоқсимон;
- 2 – думалоқ;
- 3 – овалсимон;
- 4 – эллипссимон;
- 5 – тухумсимон;
- 6 – урчуксимон;
- 7 – цилиндрсимон.

Қовун навларининг сирти




- 1 – силлиқ;
- 2 – ғадир-будир;
- 3 – нотекис;
- 4 – тилим-тилим;
- 5 – ажинли;
- 6 – чукур тилим-тилим.

Қовун навларининг сиртидаги сувратлар




1 – сувратсиз; 2 – бирламчи тор йўллар; 3 – бирламчи тор узук-узук йўллар; 4 – қўш тор йўллар; 5 – қўш тор узук-узук йўллар; 6 – кенг қўш йўллар билан биргаликдаги тасмачалар; 7 – қўш кенг кам узук-узук йўллар; 8 – кичик камёб доғлар; 9 – юрик тўқ доғлар; 10 – йирик камёб доғлар; 11 – йирик тўқ доғлар; 12 – йирик камёб доғлар; 13 – йирик тўқ доғлар; 14 – учламчи ранг; 15 – йирик тўқ нуқтасимон доғлар; 16 – йўлларсиз тасмачалар.

Қовун навларининг тўрланиши




- 1 – майда ёриқлар;
- 2 – йирик ёриқлар;
- 3 – майда катакли тўр;
- 4 – йирик катакли тўр;
- 5 – дағал гадир-будирсимон тўр.

Қовун навлари этининг ранги




- 1 – қизғиш;
- 2 – оч қизғиш;
- 3 – оқ;
- 4 – яшил оқ;
- 5 – яшил;
- 6 – қаймоқ ранг;
- 7 – қизил-қизғиш;
- 8 – пушти.

Қовун навлари уруғдонининг шакли ва жойлашиши;



- 1 – оқи тушадиган;
- 2 – қурук, бирикшиб кетмаган;
- 3 – қурук бириккан;
- 4 – қурук, ички томондан очик;
- 5 – кубоқлашган.

Қовун навлари уруғининг шакллари



- 1 – майда;
- 2 – ўрта;
- 3 – йирик;
- 4 – олма уруғисимон;
- 5 – тор учли тухумсимон;
- 6 – кенг учли тухумсимон;
- 7 – наштарсимон.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдолниёзов В.О., Гулимов Г.С. Хоразм қовунлари. - Урганч, 2008.
2. Душамов Б.К. Қовун пашшаси ва унга қарши кураш усуллари. Урганч, 2005.
3. Полиз экинларининг асосий зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш бўйича тавсиялар. - Тошкент, 2005.
4. Р.Мавлянова, А.Рустамов, Р.Ҳакимов ва б. Ўзбекистон қовунлари. – Тошкент, 2005.
5. Ҳакимов Р. А. Ўзбекистон қовун селекцияси. Сабзавот, полиз, картошка селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси. Тошкент, 2008.